

## Сийрат 182-дарс. Ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг!



20:00 / 22.04.2022 4971

704. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг наздида энг катта гуноҳ қайси?» деб сўради. **«У сени яратган бўлса-да, Унга (бирор нарсани) тенглаштиришинг»**, дедилар. «Кейин қайсиси?» деди. **«Таомингга шерик бўлишидан қўрқиб болангни ўлдиришинг»**, дедилар. «Кейин қайсиси?» деди. **«Қўшнингнинг аёли билан зино қилишинг»**, дедилар. Аллоҳ буни тасдиқлаб, «Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур» оятини нозил қилди».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

705. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Яқин қариндошларингни огоҳлантир» ояти нозил бўлганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигига чиқиб, баланд овоз билан: **«Эй Бану Фихр! Эй Бану Адий!»** деб Қурайш уруғларига нидо қилдилар. Улар тўпланишди. Ўзи чиқа олмаган кишилар гап нималигини билиш учун одам юборишди. Абу Лаҳаб ва Қурайш (қавми) келди. У зот уларга қараб: **«Агар сизларга ҳозир водийда отлиқлар устингизга бостириб келишга тайёр турибди десам, ишонасизларми?»** дедилар. «Ишонамиз, сенинг ёлғон гапирганингни сира кўрмаганмиз», дейишди. **«Албатта, мен сизларга қаттиқ азобдан қўрқитувчи бўлиб келдим»**, дедилар. Шунда Абу Лаҳаб: «Ҳалок бўлгур, бизни шунга йиғдингни?» деди. Шунда «Абу Лаҳабнинг икки қўли ҳалок бўлсин, ҳалок! Унга моли ва касб қилган нарсаси фойда бермади» (ояти) нозил бўлди».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

706. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ва яқин қариндошларингни огоҳлантир» ояти нозил қилинганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшликларни чақирдилар. Улар тўпланишди. У зот ҳам умумий, ҳам хусусий даъват қилдилар. Сўнгра: **«Эй Бану Каъб ибн Луай, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абдуш-Шамс, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абду Маноф, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Ҳошим, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Бану Абдулмуттолиб, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй Фотима, ўзингни дўзах ўтидан қутқар! Сизлардан Аллоҳнинг бирор нарсасини қайтариш менинг қўлимда эмас. Фақат орамизда силаи раҳм бор, мен уни тиклаб тураман»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**